

# 30 АПРЕЛ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Тирик, маърур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!



Ватан ягонадир,  
Ватан биттадир

# ЎСТИҚВОЛ ҲОҶИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 30 март № 11 (8453)

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи  
11-Фарғона округ комиссияси Қарори

6-сон

2023 йил 27 март

## Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи референдум участкаларини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги Қонунининг 16, 20-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи 11-Фарғона округ комиссияси

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи 11-Фарғона округи ҳудуди бўйича референдум участкаларининг жойлашуви юзасидан 4 та шаҳар ва 15 та туманлар ҳокимларининг тақдимномалари маълумот учун қабул қилинсин. (Тақдимномалар илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи 11-Фарғона референдум округи ҳудудида қуйидаги референдум участкалари тузилсин:

**660-референдум участкаси**  
**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Янгидўкон маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчаси 3-уй, 15-сонли умумтаълим мактаби биноси.

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Янгидўкон маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар ҳамда Қўштепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Чароғон, Қўштепа, Зиёкор кўчалари чегараларида.

## Қўштепа тумани бўйича:

**661-референдум участкаси**  
**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қўштепа маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчаси 66-уй, 2-ИДУМИ биноси.

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қўштепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Эзгу, Равон, Терактаги, Навоий, Чаман, Ташаббус, Камолот, Иқтидор, Латиф кўчалари чегараларида.

**662-референдум участкаси**  
**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қўштепа маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчаси 22-уй, 5-сонли умумтаълим мактаби биноси.

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қўштепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Бозорбоши, Узумзор, Ҳамкорлик, Шоҳжаҳон, Матонат кўчалари ҳамда Қамиштепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Чорбоғ, Мустақиллик, Б.Марғилоний кўчалари (1-уйдан 66-уйгача) ва Эшонгузар маҳалла фуқаролар йиғинининг Саодат, Эътироф кўчалари

чегараларида.

**663-референдум участкаси**  
**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қайрағоч маҳалла фуқаролар йиғини, Муллақайрағоч кўчаси 32-уй, 12-сонли умумтаълим мактаби биноси.

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қайрағоч маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**664-референдум участкаси**  
**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Нурафшон маҳалла фуқаролар йиғини, Токзор кўчаси 94-уй, 7-сонли умумтаълим мактаби биноси.

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Нурафшон маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

Давоми 2-3-бетларда

Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни референдум ўтказиш орқали амалга ошириш таклифини Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган. Шунга кўра, Конституциявий қонун ислохотлари уч босқичда, жумладан: биринчи — Конституцияни ўзгартириш бўйича таклифларни қабул қилиш, жамлаш ва таҳлил этиш ва Конституциявий комиссия таклифлари асосида ишлаб чиқилган лойиҳани парламентнинг Қонунчилик палатасига тақдим этиш; иккинчи — парламент томонидан ишлаб чиқилган янгиланган Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқиш; учинчи—умумхалқ муҳокамаси натижасида маромига етказилган Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиш белгилаб олинди.

Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хохиширодасини аниқлаш ҳамда жуда бой материал тўплаш имконини берди. Утган даврда қонун лойиҳаси бўйича жами 222 715 та таклифлар келиб тушди, лойиҳани тайёрлаш жараёнида 400 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, 190 га яқин давлатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди. Таклифлар Конституциявий комиссия ва парламент то-


## Ҳуқуқшунос минбари

# ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ—ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

**Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун давлат бошқарув тизими, жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзгариши аллақачон давр талаби бўлиб, бунинг учун асосий қонунимиз бўлган Конституцияда ислохотлар қилиниши ҳам заруратга айланди. Қонунларимизда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш икки хил йўл билан—парламентар ҳамда референдум ўтказиш орқали амалга оширилиши белгиланган. Парламентар усулда Олий Мажлис депутатлари овоз бериши орқали, референдум усулида эса мамлакат фуқароларининг умумхалқ овоз бериши орқали Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш амалга оширилади.**

монидан кўриб чиқилиб, янги Конституция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бош қомус, энг аввало, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини олий ўринга қўйган ҳолда ўзининг қатъий нормаларини ҳаётга татбиқ эта олган ҳужжат бўлмоқда.

Конституциямизга илк бор фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди ва кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун замин яратилди. Камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича янги қарорлар, ёшлар сиёсати устувор эканлиги, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ҳам янги конституцияда белгилаб қўйилмоқда.



Конституциямизда шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари

кафолатланяпти. Жойларда тенг вакилликни сақлаб қолган ҳолда, сенаторлар сони ҳозирги 100 нафардан 65 нафарга туширилади. Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар

сони 16 нафардан 9 нафарга камайтиради. Олий Мажлиснинг жамият ҳаётидаги роли, ўрни ва таъсирини кучайтириш мақсадида Президентнинг айрим ваколатлари парламентга ўтказилмоқда. Хусусан, Бош прокурор, Давлат хавфсизлиги, Ҳисоб палатаси раҳбарларига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши тартиби жорий этилмоқда.

Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш каби ваколатлар халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган Қонунчилик палатаси ваколатига ўтказилаётир.

Шу ўринда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини ошириш борасида бир қатор муҳим нормалар киритилляпти. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109, 111, 112, 116-моддалари ҳар жиҳатдан бойитилди. Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилмоқда.

Давоми 2-бетда

УШБУ  
СОНДА:

2 **Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи 11-Фарғона округ комиссияси Қарорининг туманга тегишли қисми**

3

4 **\* Маънавият Тарбиянинг бош мактаби—ота-она ибрати**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

**665-референдум участкаси**  
**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Йўлдошобод маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчаси 123-уй, **8-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Йўлдошобод маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**666-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчаси 94-уй, **Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғини биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Шаршара, Истиқлол, Эзгулик, Ғунча, Б.Марғилоний кўчалари (56-уйдан 33-уйгача) чегараларида.

**667-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғини, Найман кўчаси 84-уй, **13-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Тепатаги, Найман, Ойдинбулоқ, Ч.Айтматов, Қўқалдош, Б.Марғилоний кўчалари (35-уйдан 212-уйгача) чегараларида.

**668-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қизилариқ маҳалла фуқаролар йиғини, Обод диёр кўчаси 61-уй, **1-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қамиштепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Серкуёш, Ниҳол кўчалари ҳамда Қизилариқ маҳалла фуқаролар йиғинининг Мурувват, Саёҳат, Роҳат, Шаҳристон кўчалари (70-уйдан 119-уйгача) чегараларида.

**669-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қизилариқ маҳалла фуқаролар йиғини, Обод диёр кўчаси 61-уй, **1-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қизилариқ маҳалла фуқаролар йиғинининг Мардона, Нурли замин, Бахт, Обод диёр, Тўртчинор, Шаҳристон кўчалари (1-уйдан 28-уйгача) чегараларида.

**670-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Намуна маҳалла фуқаролар йиғини, Ворис кўчаси 75-уй, **35-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Намуна маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар ҳамда Ғиштмон маҳалла фуқаролар йиғинининг Фидойи ва Жавоҳир кўчалари чегараларида.

**671-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Ғиштмон маҳалла фуқаролар йиғини, Ибн Сино кўчаси 2-уй, **14-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Ғиштмон маҳалла фуқаролар йиғинининг Ғиштмон, Янгиарик, Дилхуш, Маънавият, Бунёдкор, Ибн Сино, Бадиш, Оҳанг, Нафосат кўчалари чегараларида.

**672-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қийқи маҳалла фуқаролар йиғини, Соҳибкор кўчаси 25а-уй, **Ёшлар маркази биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қийқи маҳалла фуқаролар йиғинининг Чинортепа, Сардоба, Заргарлик, Соҳибкор кўчалари (1-уйдан 38-уйгача) ҳамда Карнайчи маҳалла фуқаролар йиғинининг Шоҳимардон кўчаси (37-уйдан 62-уйгача) чегараларида.

**673-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Сойбўйи маҳалла фуқаролар йиғини, Арчазор кўчаси 78-уй, **40-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Сойбўйи маҳалла

фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**674-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Сойбўйи маҳалла фуқаролар йиғини, Арчазор кўчаси 78-уй, **40-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Соҳибкор маҳалла фуқаролар йиғинининг Исфарамсой ва Арчазор кўчалари чегараларида.

**675-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қийқи маҳалла фуқаролар йиғини, Соҳибкор кўчаси 35-уй, **11-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Карнайчи маҳалла фуқаролар йиғинининг Арчазор (278-уйдан 584-уйгача), Беҳизор (50-уйдан 84-уйгача), Бободехқон, Чинортепа кўчалари ҳамда Қийқи маҳалла фуқаролар йиғинининг Арчазор (203-уйдан 277-уйгача), Шоҳимардон (1-уйдан 36-уйгача), Беҳизор (1-уйдан 49-уйгача), Соҳибкор кўчалари (39-уйдан 68-уйгача) чегараларида.

**676-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Соҳибкор маҳалла фуқаролар йиғини, Соҳибкор кўчаси 93-уй, **Тиббиёт бирлашмаси биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Махсус.

**677-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Соҳибкор маҳалла фуқаролар йиғини, Эҳтиром кўчаси 19-уй, **33-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Соҳибкор маҳалла фуқаролар йиғинининг Соҳибкор (69-уйдан 168-уйгача), Чимкент, Боғчасарой, Хиёбон, Муштарақ, Эҳтиром, Фаёз, Тараққиёт, Мажнунтол, Зумрад кўчалари чегараларида.

**678-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Истиқбол маҳалла фуқаролар йиғини, Обод кўчаси 9-уй, **4-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Истиқбол маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**679-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қувурбоши маҳалла фуқаролар йиғини, Қўрғонча кўчаси 64-уй, **50-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қувурбоши маҳалла фуқаролар йиғинининг Богдорчилик, Миришкор, Сайилгоҳ, Сармозор (4-уйдан 59-уйгача), Қўрғонча, Шижоаткор (96-уйдан 90-уйгача) кўчалари ҳамда Сармозор маҳалла фуқаролар йиғинининг Бодомзор, Боғистон, Сармозор (183-уйдан 102-уйгача) кўчалари, Баландмасжид маҳалла фуқаролар йиғинининг Сайилгоҳ кўчаси чегараларида.

**680-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қувурбоши маҳалла фуқаролар йиғини, Шижоаткор кўчаси 54-уй, **Қувурбоши маҳалла фуқаролар йиғини биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қувурбоши маҳалла фуқаролар йиғинининг Фидокорлар, Бодомзор, Маърифат (1-уйдан 65-уйгача), Кўксарой, Гулистон, Шижоаткор (78-уйдан 152-уйгача) кўчалари ҳамда Баландмасжид маҳалла фуқаролар йиғинининг Маърифат (66-уйдан 131-уйгача), Шижоаткор (30-уйдан 107-уйгача) кўчалари, Сармозор маҳалла фуқаролар йиғинининг Кўксарой, Пойтахт (2-уйдан 27а-уйгача), Сармозор (60-уйдан 144-уйгача) кўчалари чегараларида.

**681-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Баландмасжид маҳалла фуқаролар йиғини, Бодомзор кўчаси 102-уй, **37-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Баландмасжид маҳалла фуқаролар йиғинининг Наврўз, Норин, Роввот, Янги аср, Зиё, Навқирон, Баландмасжид, Бодомзор, Оламгир, Бар-

камоллик кўчалари чегараларида.

**682-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Сармозор маҳалла фуқаролар йиғини, Гулистон кўчаси 70-уй, **47-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Сармозор маҳалла фуқаролар йиғинининг Сармозор (115-уйдан 148-уйгача), Бодомзор, Боғистон, Шарқ-2, Шарқ-3 кўчалари чегараларида.

**683-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Эшонгузар маҳалла фуқаролар йиғини, Шижоаткор кўчаси 76-уй, **49-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Эшонгузар маҳалла фуқаролар йиғинининг Шижоаткор (108-уйдан 142-уйгача), Ғаллакор, Янги маҳалла, Эшонгузар, Бодомзор, Ипакчилар, Нафис, Оламгир, Ниҳол, Бетакор, Тожмаҳал, Шодиёна, Гулзор, Бирдамлик, Давр, Чарос, Замондош, Ёшлик, Зиرواتкор, Чинор кўчалари чегараларида.

**684-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Хумдон маҳалла фуқаролар йиғини, Бахт кўчаси 17-уй, **3-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Хумдон маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**685-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Каттаболтақўл маҳалла фуқаролар йиғини, Каттаболтақўл кўчаси 211-уй, **2-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Каттаболтақўл маҳалла фуқаролар йиғинининг Иттифоқ, Ёшлик, Каттаболтақўл (1-уйдан 55-уйгача), Ариқбоши, Кашфиёт, Қайрағоч кўчалари чегараларида.

**686-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Ватан маҳалла фуқаролар йиғини, Садаф кўчаси 37-уй, **6-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Ватан маҳалла фуқаролар йиғинининг Каттаболтақўл (56-уйдан 97-уйгача), Фаровон, Пахтакор, Толзор, Янгизамон, Гулшан, Нокзор, Шифокорлар, Парвоз кўчалари ҳамда Каттаболтақўл маҳалла фуқаролар йиғинининг Садаф кўчаси чегараларида.

**687-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини, Каналбўйи кўчаси 24-уй, **42-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Бўстон маҳалла фуқаролар йиғинининг Нокзор, Ойдин, Каналбўйи кўчалари чегараларида.

**688-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини, Бунёдкор кўчаси 319-уй, **32-сонли умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Бўстон маҳалла фуқаролар йиғинининг Олтин Замин, Зарбдор ва Бунёдкор кўчалари чегараларида.

**689-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Каттабешкапа маҳалла фуқаролар йиғини, Богимайдон кўчаси 19-уй, **Ихтисослаштирилган мактаб биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Каттабешкапа маҳалла фуқаролар йиғинининг Богимайдон (136-уйдан 68-уйгача), Заковат, Адолат, Ҳаёт кўчалари чегараларида.

**690-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қорақушчи маҳалла фуқаролар йиғини, Богимайдон кўчаси 1-уй, **“Бешкапа” шифокор хизмат уйи биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қорақушчи маҳалла фуқаролар йиғинининг Ҳамкор кўчаси чегараларида.

**691-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қорақушчи маҳалла фуқаролар йиғини, Богимайдон кўчаси 40-уй, **46-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қорақушчи маҳалла фуқаролар йиғинининг Гулбод, Турон, Богимайдон (1-уйдан 68-уйгача), Равнақ (1-уйдан 17-уйгача) кўчалари чегараларида.

**692-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Кичикбешкапа маҳалла фуқаролар йиғини, Равнақ кўчаси 77-уй, **29-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Кичикбешкапа маҳалла фуқаролар йиғинининг Заковат, Ал-Ҳаким Ат-Термизий, Субҳидам, Ҳилол, Равнақ (17-уйдан 168-уйгача) кўчалари чегараларида.

**693-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Ўрта Ўқчи маҳалла фуқаролар йиғини, Ўрта Ўқчи кўчаси 6-а уй, **Ўқчи маҳалла фуқаролар йиғини биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Ўрта Ўқчи маҳалла фуқаролар йиғинининг Шукрона, Ўқчи, Омад кўчалари чегараларида.

**694-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Ўқчи маҳалла фуқаролар йиғини, Қумариқ кўчаси 10а-уй, **27-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Ўқчи маҳалла фуқаролар йиғинининг Иқбол, Булоқбоши, Пастки Ўқчи, Янги Фарғона, Афросиёб, Сабо, Беҳизор, Ўрта Ўқчи, Олтин диёр, Чинроз, Гилосзор кўчалари чегараларида.

**695-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Каттабешкапа маҳалла фуқаролар йиғини, Янгиобод кўчаси 131-уй, **26-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Каттабешкапа маҳалла фуқаролар йиғинининг Янгиобод қишлоғи чегараларида.

**696-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Лангар маҳалла фуқаролар йиғини, Мардлик кўчаси 4а-уй, **20-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Лангар маҳалла фуқаролар йиғинининг Олмос, Чашма, Кўҳинур, Нурли йўл, Сарой, Хумо, Токлигузар, Ёрдон, Боғишамол, Дошишман, Богбон, Мардлик (1-уйдан 106-уйгача) кўчалари ҳамда Шодлик маҳалла фуқаролар йиғинининг Ўзбекистон ва Мевазор кўчалари чегараларида.

**697-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Лангар маҳалла фуқаролар йиғини, Мардлик кўчаси 4а-уй, **20-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Лангар маҳалла фуқаролар йиғинининг Мардлик кўчаси (108-уйдан 153-уйгача) ва Тепатаги аҳоли яшаш пункти чегараларида.

**698-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Шодлик маҳалла фуқаролар йиғини, Шафтолибоғ кўчаси 55-уй, **Тиббиёт бирлашмаси Лангар шифохонаси биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Махсус.

**699-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қорақалтак маҳалла фуқаролар йиғини, Маърифат кўчаси 61а-уй, **24-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:**

Давоми 3-бетда.

**Давоми. Бошланиши 1-2-бетларда.**

**лари:** Қўштепа тумани, Қорақалтак маҳалла фуқаролар йиғинининг Маърифат, Хамид Олимжон, Муқумий, Келажак, Гулибоғ, Обод маҳалла, Сокин, Дийдор, Шафтолибоғ (46-уйдан 204-уйгача) кўчалари чегараларида.

**700-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Шодлик маҳалла фуқаролар йиғини, Шафтолибоғ кўчаси 7-уй, **Ахборот-кутубхона маркази биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Шодлик маҳалла фуқаролар йиғинининг Бахмал, Гавҳар, Хамкорлик, Ўзбекистон, Миробод, Мевазор, Баҳор, Зиёноур, Зафаробод, Зилол, Нуробод кўчалари ҳамда Қорақалтак маҳалла фуқаролар йиғинининг Навбахор, Шафтолибоғ (1-уйдан 45-уйгача) кўчалари чегараларида.

**701-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Гаримдон маҳалла фуқаролар йиғини, Ариқбўйи кўчаси 96а-уй, **16-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Гаримдон маҳалла фуқаролар йиғинининг Теракзор, Қўштол, Ариқбўйи, Тараққиёт, Шодлик, Шамшод, Фаровонлик, Қўштепа, Марказ, Ёрқин кўчалари чегараларида.

**702-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғини, Каттасой кўчаси 28-уй, **Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғини биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Борот маҳалла фуқаролар йиғинининг Каттасой кўчаси (1-уйдан 115-уйгача), Навбахор кўчаси (1-уйдан 38-уйгача), Ҳамроҳ кўчаси (1-уйдан 37-уйгача), Яшнообод кўчаси тўлик, Ораста кўчаси (1-уйдан 29-уйгача) чегараларида.

**703-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Борот маҳалла фуқаролар йиғини, Ҳамроҳ кўчаси 43-уй, **43-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Борот маҳалла фуқаролар йиғинининг Ҳамроҳ кўчаси (39-уйдан 92-уйгача), Марказ кўчаси (1-уйдан 21-уйгача), Шамшод кўчаси (1-уйдан 33-уйгача), Шодлик кўчаси (1-уйдан 28-уйгача), Фаровонлик кўчаси (1-уйдан 82-уйгача), Ёрқин кўчаси (31-уйдан 92-уйгача), Теракзор кўчаси (215-уйдан 277-уйгача), Зарчашма, Орзу кўчалари чегараларида.

**704-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғини, Орзу кўчаси 15-уй, **16-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғинининг Орзу, Тегирмонбоши, Ёшларобод кўчалари чегараларида.

**705-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғини, Марғилонсой кўчаси 17-уй, **39-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғинининг Марғилонсой кўчаси ҳамда Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинининг Янгибоғ (111-уйдан 128-уйгача) кўчаси чегараларида.

**706-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғини, Элбод кўчаси 12-уй, **36-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғинининг Янгиҳаёт қишлоғи ҳамда Шомирза маҳалла фуқаролар йиғинининг Ўзбекистон кўчаси ва Лойсон маҳалла фуқаролар йиғинининг Буюк ипак йўли кўчаси чегараларида.

**707-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Шаҳартепа маҳалла фуқаролар йиғини, Мустақиллик кўчаси 74-уй, **2-сон касб-ҳунар мактаби би-**

**носи.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Шаҳартепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Ҳамжихатлик, Дўстларобод, Анорбоғ кўчалари, Шомирза маҳалла фуқаролар йиғинининг Муборак, Камалак, Ватанпарвар, Мустақиллик (54-уйдан 101-уйгача) кўчалари ҳамда Лойсон маҳалла фуқаролар йиғинининг Тошлоқ кўчаси (9-уйдан 82-уйгача) чегараларида.

**708-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Шомирза маҳалла фуқаролар йиғини, Чинобод кўчаси 7-уй, **23-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Шомирза маҳалла фуқаролар йиғинининг Гулбоғ, Чинобод, Файзобод, Матонат, Коинот, Гулбоғ-2, Тинчлик, М.Улуғбек, Хурдиёр, Мустақиллик кўчалари (1-уйдан 48а-уйгача) чегараларида.

**709-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Лойсон маҳалла фуқаролар йиғини, Мулкобод кўчаси 70а-уй, **22-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Лойсон маҳалла фуқаролар йиғинининг Мулкобод, Иноқлик, Дилкаш, Сарбон кўчалари чегараларида.

**710-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Шаҳартепа маҳалла фуқаролар йиғини, Мингтерак кўчаси 26-уй, **21-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Шаҳартепа маҳалла фуқаролар йиғинининг Шаҳартепа, Водий, Замондош, Қўприкбоши, Чилангар, Мингтерак, Ёғду, Мехриғиё, Мовароуннахр, Мустақиллик (2-уйдан 288-уйгача) кўчалари чегараларида.

**711-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Деҳқонобод маҳалла фуқаролар йиғини, Сихатгоҳ кўчаси 66-уй, **45-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Деҳқонобод маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**712-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғини, Мустақиллик кўчаси 67-уй, **Қўштепа туман ҳокимлиги Маданият бўлимига қарашли “Истиқлол” маданият маркази.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**713-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғини, Машғал кўчаси 70-уй, **17-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Мумтоз маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**714-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қўприкбоши маҳалла фуқаролар йиғини, Ободлик кўчаси 121-уй, **18-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қўприкбоши маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**715-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қўприкбоши маҳалла фуқаролар йиғини, Ободлик кўчаси 121-уй, **18-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Шакар маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**716-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Файз маҳалла фуқаролар йиғини, Ойдинкўл кўчаси 1-уй, **19-умумтаълим мактаби биноси.**

**11-Фарғона округ комиссияси раиси**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Файз маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**717-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғини, Яккатут кўчаси 14-уй, **28-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинининг Яккатут, Пахтаобод, Янгибўстон, Ободлик (215-уйдан 288-уйгача) кўчалари чегараларида.

**718-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Янгиариқ маҳалла фуқаролар йиғини, Янгибўстон кўчаси 74-уй, **48-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Янгиариқ маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**719-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Солижонобод маҳалла фуқаролар йиғини, Жасорат кўчаси 37 а-уй, **34-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Солижонобод маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида.

**720-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Дўрмон маҳалла фуқаролар йиғини, Дўрмон кўчаси 108-уй, **Дўрмон тез тиббий ёрдам шохобчаси биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Дўрмон маҳалла фуқаролар йиғинининг Ибрат, Улуғвор, Беқиёс, Илғор, Осуда, Садаф, Дўрмон, Кичикбоғ кўчалари чегараларида.

**721-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғини, Фахр кўчаси 3-уй, **10-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар ҳамда Дўрмон маҳалла фуқаролар йиғинининг Шодон, Истиқлол, Барака, Тасвир, Дўрмонтепа кўчалари чегараларида.

**722-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Ҳўжақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини, Қоражийда кўчаси 72-уй, **30-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Ҳўжақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча кўчалардаги хонадонлар чегараларида ҳамда Халқобод маҳалла фуқаролар йиғинининг Ҳамжихат, Нурли тонг (185-уйдан 205-уйгача), Қоражийда (74-уйдан 296-уйгача), Учқун (176-уйдан 210-уйгача) кўчалари чегараларида.

**723-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Халқобод маҳалла фуқаролар йиғини, Қоражийда кўчаси 156-уй, **9-умумтаълим мактаби биноси.**

**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Халқобод маҳалла фуқаролар йиғинининг Мураббийлар, Меъмор, Гидамчи, Меъмор, Ҳамжихат, Барҳаёт, Шаффоф, Учқун (1-уйдан 175-уйгача), Қоражийда (64-уйдан 120-уйгача), Нурли тонг (1-уйдан 184-уйгача) кўчалари ҳамда Қоражийда маҳалла фуқаролар йиғинининг Қоражийда (121-уйдан 294-уйгача), Жасорат, Замондош, Чорвадор, Маданият, Садоқат, Иқбол, Имкон кўчалари чегараларида.

**724-референдум участкаси**

**Референдум участкаси маркази:** Қўштепа тумани, Қоражийда маҳалла фуқаролар йиғини, Маданият кўчаси 65-уй, **25-умумтаълим мактаби биноси.**


**Референдум участкаси чегаралари:** Қўштепа тумани, Қоражийда маҳалла фуқаролар йиғинининг Олмазор қишлоғи чегараларида.

**Э.НУРАЛИЕВ**

(Қарорнинг Қўштепа туманига тегишли қисми вилоят "Янги Фарғона" газетасидан олинди).

**ХАЛҚ  
КОНСТИТУЦИЯСИ  
—ХАЛҚ ХОҲИШ-  
ИРОДАСИНING  
ИФОДАСИ**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкинмаслиги, ушлаб туриш вақтида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асослари унга тушунтирилиши кераклиги, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни сукут сақлаш ҳуқуқи ("Миранда қоидаси") ҳам кафолатланмоқда. "Миранда қоидаси" бугунги кунда барча давлатлар Конституцияси ва қонунларида, жумладан, АҚШ Конституциясининг 5 ва 6-қўшимчаларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда умумэтироф этилган норма сифатида белгиланган. Унга кўра, дастлаб сўроқ қилиш олдида ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчи сукут сақлаш, яъни ҳеч қандай кўрсатмалар бермаслик ҳуқуқига эга бўлади, чунки гумон қилинувчи ва айбланувчининг айтганлари судда ўзига қарши фойдаланилиши мумкин.

Янгилаётган конституцияга кўра маҳаллий даржада ҳокимиятлар бўлиниши принципи амалга оширилди, ҳокимларнинг халқ депутатлари кенгашларига раҳбарлик қилиш институти вилоят кенгашлари учун 2024 йилдан, туман кенгашлари учун эса 2026 йилдан тугатилади.

Халқ манфаатларига хизмат қилувчи янги Конституцияда моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага ортмоқда. Асосий нормалар амалдаги Конституцияга нисбатан 54 фоизга оширилди. Моддалар сони Шахсий ҳуқуқ эркинликлар боби – 13 тадан 37 тага, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар боби—13 тадан 38 тага, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари боби—4 тадан 14 тага, Жамиятнинг иқтисодий негизлари боби—4 тадан 10 тага, Оилага бағишланган боб – 7 тадан 12 тага оширилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси Президенти айтиб ўтган куйидаги устувор йўналишларни, яъни инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласини конституциявий даражада янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми 2023 йил 30 апрель куни ўтказилиши белгиланган.

Ҳурматли юртдошлар! Ҳар бир фуқаро ҳаётига дахлдор муҳим сиёсий тadbирда фаол қатнашиб, чинакам халқ Конституцияси яқдиллик билан қабул қилинишига эришайлик.

**Иқболжон ЗОКИРОВ,**  
туман адлия бўлими  
юридик хизмат кўрсатиш  
маркази бошлиғи.  
**Ғолибжон МУЙДИНОВ,**  
марказ бош  
юрист-консульти.

## Дастур ва ижро: "Оқида аёллар" ҳаракати фаолиятдан

Ҳазрат Навоий бобомизнинг қуйидаги сатрлари олти асрга қараб кетяптики, охорини сақлаб турганининг боиси ҳам ана шундан бўлса ажабмас:

Бошни фидо қилғил ато бошиға,  
Жисми қил садқа ано қошиға.

Тун-кунингга айлагали нуршош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Орамизда ҳазрат бобомиз ой-у, қуёшга менгзаган, ота-оналик рутбасини баланд тутиб, шажараси шаънини бош узра кўтарганлар сон-саноксиз, туманимизда ҳам инчунун. Акс ҳолда дунё-дунё бўлиб турармиди!

Аммо... Ана шу "аммо"нинг оғриқлари борки, у жамият кўксига азиятлар бермай қолмаяпти. Оила аталмиш муқаддас кўрғоннинг қадриятларига беписанд муносабатлар, Аллоҳнинг иродаси, Давлатнинг номи билан боғланаётган ришталар тобора мўртлашиб, ажримларнинг ортиб бораётгани, "тирик етимлик" гирдобига отилаётган фарзандлар тақдири, муслмончиликнинг ўз шажарасини билиши зарур бўлган комиллигига путур етаётгани, баъзан инсоф, диёнат қаҳатлигидан ҳақ-ҳуқуқсизликка маҳкум этилаётган зурриётлар, аёллар сарсон-саргардонлигига мутасаддилар кун-кунора дуч келаётганидан кўз юмиб бўлмайдими. Улар-ку, давлат ва жамият муҳофазасига олинмай қолмайди. Бироқ, бир лаҳзалик жаҳолат ортидан отасидан, баъзан онасидан айро тушаётган зурриётлар руҳий зарбалари жароҳатини битказиб бўлармикин?!

Нима қилмоқ керак? Нега ёшлар, катталар ҳам ОИЛАдек муқаддас кўрғонни биргина сўз ёки ҳаракат билан вайронага айлантиришдан ўзларини тия олмаяптилар? Жаҳолатга қарши маърифат йўлини топиш шунчалар мушкул бўлдимми?!

Юртбошимизнинг ташаббуси билан ўтган йили майдонга чиқарилган "Оқида аёллар" ҳаракати низомий мақсадларидан бири ҳам айнан оилавий қадриятларни жойига қўйиш, бу борадаги маънавий маконни кенгайтиришдан иборатдир. Шу маънода вилоят "Оқида аёллар" ҳаракати дастурий режасига кўра, туманимиздаги ҳаракат етакчилари билан ҳамкорликда уюштирилган маънавий-маърифий тадбир "ТАРБИЯНИНГ БОШ МАКТАБИ—ОТА-ОНА ИБРАТИ" мавзусига бағишланди. Айтиш мумкинки, ибратли оилалар мисолида 80 чоғли масъуллар иштирокидаги тадбир кўзланган мақсадини очиб бера олди.

"Қийқи" маҳалласидаги Маданият марказида уюштирилган тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комилахон Кавлонова, ҳаракатнинг вилоятдаги етакчиси Юлдузхон Раҳимова, ўринбосари Сайёрахон Алимова, Жамилахон Аҳмедова, туман ҳокимининг ўринбосари Марямхон Йўлдошева, тумандаги "Оқида аёллар" ҳаракати аъзолари, бошқа тегишли мутасаддилар, ибратли оилалар, ажрим оstonасида турган оила вакиллари ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Комилахон Кавлонова даврани очар экан, бутун Ўзбекистон катта сиёсий тадбир арафасида турганлигини айтиб, барчани 30 апрел куни бўладиган референдумда фаол иштирок этиб, жумладан, оила ва хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари янада мустаҳкамланаётган Конституциявий ислохотларга

## ТАРБИЯНИНГ БОШ МАКТАБИ—ОТА-ОНА ИБРАТИ

**"Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ". Ун саккизинчи асрада яшаб, ижод қилган рус ёзувчиси Н. Новиков битган ҳикмати мағзини чақа олмайдиган инсон топилмаса керак орамизда. Ҳақиқатан ҳам бани Одам яралибдики, шажаралар занжири ота-оналар орқали боғланади. Зурриётлар ҳам дунёга келибоқ аввал ОНАни, кейин ОТАни танийди.**



ижобий муносабат билдиришларига ишонч билдирди. Маънавий-маърифий тадбир ишига муваффақият тилади.

Давра ота-онани эъозловчи қўшиқ билан бошланди. Иштирокчилар дастлаб "Шуқур-Давлат" хусусий ишлаб чиқариш фермаси таъсисчиси, тадбиркорлик ҳаракатининг илк қалдирғочларидан бири, раҳматли Ҳабибулла Сайдуллаевнинг аёли Азизахон ҳожи онанинг тарбиявий мезонлари ҳақидаги ибратли сўзларига қулоқ тутдилар.

—Менинг тақдирим оилани-оила қилиш, фарзандлар умидли келажаги учун бутун шижоати, идрокни бағишлай олган инсон билан боғлаганидан Яратганга беадад шукроналар айтаман, — дейди ҳожи она. — Дадаси раҳматли ўзлари ибрат бўлганлари ҳолда икки ўғил, уч қизни меҳнатга ётган, халқ ишига камарбаста қилиб тарбияладилар. Шунинг учун ҳам ортиларидан қолган ферма ривожланди, завод ҳам барқарор ишлаб турибди. Қизлар тарбиясида онанинг ўрни бекиёсдир. Улар сабрли, идрокли, юриш-туришда ҳам, ишида ҳам ўзлигини йўқотмасалар, иншоаллох, жамиятда ўринларини топа оладилар.

—Биз, акам Шуқурулло, Муножотхон, Муаззамхон, Моҳидилхон оилаларим билан шундай инсонлардан дунёга келиб, тарбия топганимиздан бахтиёрмиз, — дея сўхбатни давом эттиради Давлатжон Сайдуллаев. — Барчамиз бир оиланинг эгаси бўлиб, фарзандларимиз билан фаровон турмуш кечираётган эканмиз, бу Сиз, ота-оналаримизнинг ибратингиз, меҳрингиз ва тарбиянгиздандир.

Дарҳақиқат, бугун халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шуқурулло Сайдуллаев раҳбарлигидаги, опа-ука ва кўевларни жам айлаган "Шуқур-Давлат" хусусий ишлаб чиқариш фермаси бренди нафақат туманда, балки бутун вилоятда танилди. Фермада бир минг тўрт юздан зиёд зотдор насли моллар энг замонавий усулларда парваришланмоқда. Сифатли гўшт, кичик корхонада эса ўнлаб турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, туманимиздаги

халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари, вилоятимиз ички бозорлари таъминланяпти. Бугун Азиза аянинг набираси грант ютиб, Англиянинг нуфузли олийгоҳида таҳсил олмақда. Демак, Сайдуллаевчилар фарзандларнинг пухта билим эгалари бўлишларига ҳам алоҳида аҳамият берадилар. Буларнинг барчаси меҳнатга тўғри муносабат ва оилавий ҳамжиҳатлик, отанинг руҳи олдидаги қарздорликни ҳис қила билиш, онага кўрсатилаётган чексиз эъознинг мевасидир. Даврада фарзандлар ва набиралар онахоннинг пойига гуллар қўйиб, эҳтиром кўрсатганларида кўпчиликнинг кўзларида ёш халқаланди.

Бошловчи "Карнайчи" маҳалласида истиқомат қилаётган фахрий муаллима, тўққиз ўғлонни улғайтирган, шунча келин туширган Патила ҳожи ая Рўзиматовага юзланади: "онажон, оилавий ажримларнинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? Ҳаётини тажрибангиздан келиб чиқиб, кўрғонларнинг барқарорлигини таъминлашда нималарга эътибор бермоқ зарурлиги ҳақидаги фикрларингиз барчамизга зарур ва фойдали бўлади, албатта".

—Аллоҳнинг иродаси, давлатимиз қонуни билан бунёд бўлган оила жуда муқаддас гўшадир, — салом-алиқдан сўнг сўз бошлади ҳожи она. — Утмаган жой бор эканми, халқона айтганда, бир бош пиёз ҳар жойда бор. Лекин, айниқса, катталар сабрли, кечиримли, ўз сўзини ўтказа оладиган бўлсалар, ҳар қандай мушкулотни ечиб олиш мумкин бўлади. Тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, ўзга муҳитдан туширилган келинни ўз измига солиб олиши учун қайнонага кўпи билан етти йил керак бўларкан. Турмуш ўртоғим бошчилигида фақат тўнғич келинни туширганмиз. Оламдан ўтганларидан кейин яна саккиз келинни тўнғич келиним ва яқинларим ёрдамида туширдим. Эҳе, тўққиз хил турмуш тарзи, тўққиз хил феъл-атвори хонадонимга мослаштириб олиш учун менга қанча сабр керак бўлганини қайнона бўлганлар тушунишади.

Назаримда, қайноналик ҳам ёшариб борапти. Айланай ёш қайнонажонлар, зурриётимизни давом эттириш, юмушларимизни қўлимиздан олиш учун умид билан остонамизга қадам қўйган келинга ўз фарзандимиздай муносабатда бўлсак, хатога йўл қўйган бўлса ҳам кейинчалик, бир куни ўзи тушуниб етади. Жаҳлни ютиб, сабрга суянсангиз, оилавий қадриятларни маҳкам ушласангиз, кифоя. Ана шунда қўйди-чиқдиларнинг пайи қирқилади.

—Онажоним тўғри айтяптилар, — сўхбатни давом эттиради тўнғич келин Гулсанамхон. — Шу хонадонга келин бўлиб тушганимга йигирма йил бўлибди. Онам кўрсатган йўлдан юриб, у кишидан ибрат олиб, кам бўлмадим. Рўзгор юритиш, фарзанд тарбиялаш, оналик бурчига садоқатни шу онагидан ўргандим. Ота хонадонимга борсам, бир кун ҳам қололмайман, ўз уйим тартаверди. Онажон, ёшлик—ғўрлик қилиб, қачондир дилингизни оғритган бўлсак, барча овсинларим номидан шу даврада узр сўрайман. Биз, келинлар, набиралар ва ўғиллар бахтига умрингиз зиёда бўлсин, — келин кўзларига ёш олиб қайнонанинг бағрига сингиб кетади. Ҳолатни кузатганларнинг ҳам кўзлари намланди.

—Онамиз келинларига ҳамisha адолат нуқтаи назардан ёндошганлар, — оила тажрибаси ҳақидаги фикрни давом эттиради еттинчи ўғил Шокиржон (дарвоқе, у туман маданият бўлими мудири лавозимига тайинланди). Мен беш йил Тошкентда ўқиган бўлсам, аёлим ёнимда бўлишини талаб қилганлар ва шундай ҳам бўлган. Турмушнинг барча қийинчиликларини бўйниларига олган онамиз, келинларига буни раво кўрмайдилар.

Тадбирда сўз олган вилоят "Оқида аёллар" ҳаракати етакчиси Юлдузхон Раҳимова, ўринбосари Сайёрахон Алимова, туман оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи—ҳоким ўринбосари Марямхон Йўлдошева, ҳоким маслаҳатчиси Муҳаббатхон Мўйдинова, ички ишлар бошқармаси масъули, майор Дилшодахон Умарова, ҳаракат аъзолари Кароматхон Уматқулова ва бошқалар бу ўткнчи дунёда ибратли ҳаёт кечириб ортидан икки дунё саодатига эришмоқнинг моҳияти ҳақида фикр юритдилар. Бундай давраларни ҳар бир маҳаллада ўтказиш зарурлигига эътибор қаратиб, ибратли оилалар тажрибасини кўпнинг мулкига айлантиришнинг савоби ҳақида сўзладилар.

Маданият маркази санъаткорлари ота-онани, фарзанд ва одамийликни мадҳ этувчи қўшиқлари, сахна кўринишлари билан даврага ўзгача файз бағишладилар. Тадбирни 40- ва 11-умумтаълим мактаблари маънавият тарғиботчилари Дилрабохон Ҳасанова ва Абдулазиз Абдуҳошимовлар мазмунли бошқардилар.

**Ҳадичахон КАРИМОВА**  
**Ушбу сурат ана шу тадбир**  
**жараёнида Бахтиёржон**  
**РЎЗИОХУНОВ томонидан**  
**тасвирга туширилди.**

Азиз муштарий! Ҳафтаноамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташланган!

ISTIQBOL YO'LI  
МУАССИС:  
ҚЎШТЕПА ТУМАНИ  
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ  
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:  
Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Фарғона вилояти бошқармаси томонидан 2007  
йил 9 январда 12-012 рақами билан рўйхатта  
олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:  
151111,  
Марғилон шаҳар,  
Бобур номи маҳалла,  
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.  
Телефон ва факс:  
муҳаррир (55) 801-17-54

Газета  
таҳририятнинг  
компютерида  
терилди ва  
сахифаланди.

Дизайнер:  
Муртозохон Исроиллов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ  
босмахонасида 3003  
нусада чоп этилди.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Манзил: Марғилон шаҳар,  
Туркистон кўчаси,  
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:  
64875

Буюртма № 212

Топшириш вақти 18.00  
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:  
Ҳадичахон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253  
17720101925307